

С.И.Махатов – ТДШУ таянч докторанти

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Замонавий Корея Республикасининг инновацион сиёсатининг асосий йўналишлари, инновацион фаолиятни молиялаштиришида давлатнинг роли баён қилинган. Шунингдек, КР ҳукуматининг инновацион ривожланишидаги асосий сиёсий устуворликлари ва камчиликлари ёритилган.

**Аннотация.** В статье описаны основные направления инновационной политики современной Республики Корея, роль государства в финансировании инновационной деятельности. Также освещены основные политические приоритеты и недостатки правительства КР в инновационном развитии.

**Annotation.** This article describes the main directions of innovation policy of the modern Republic of Korea, the role of the state in financing innovative activities. It also highlights the main political priorities and shortcomings of the KR government in innovative development.

Бугунги кунда Корея Республикаси (КР) иқтисодий жараёнларнинг тан олинган етакчиларидан бири ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари орасида юқори инновацион фаолият ва маҳсулотлар сифатини доимий равишда оширишни қайд этиш мумкин. Олиб борилган оқилона сиёсат натижасида Корея Республикаси ривожланиши бевосита арзон ишчи кучига боғлиқ бўлган иқтисодиётдан ўртача иш ҳақи юқори ва мамлакат ривожланишида инновациялар ҳал қилувчи ролга эга бўлган иқтисодиётга айлана олди.[1]

Куйидаги жадвалда Корея Республикасининг турли йиллар бўйича иқтисодий кўрсаткичлар қайд этилган<sup>1</sup>:

	1990	1995	2000	2005	2010	2015	2018
ЯИМ (млрд \$)	279,3	556,1	561,6	898,1	1094,0	1383,0	1619,0
ЯИМ (йиллик ўсиши %)	9,8	9,6	8,9	3,9	6,5	2,8	2,7
ЯИМ (жон бошига минг \$)	6,5	12,3	11,9	18,6	22,1	27,1	32,4
Инфляция (йиллик %)	8,6	4,5	2,3	2,7	2,9	0,7	1,5
Экспорт (млрд \$)	70,7	144,2	196,6	330,6	540,9	626,9	712,7
Импорт (млрд \$)	72,4	149,3	184,9	308,7	506,0	530,6	631,5

Жадвалдаги маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ўз иқтисодий ривожланиш йўлини бошлаган вақтдан буён ўтган давр мобайнида КР дунёнинг энг ривожланган кудратли иқтисодиётга эга мамлакатларидан бирига айланди.

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан Жаҳон банки (<https://data.worldbank.org/>) маълумотлари асосида тайёрланди.

Замонавий босқичда мамлакат ўз ялпи ички маҳсулоти ҳажми билан дунёнинг ўн иккинчи иқтисодий ва тўққизинчи йирик савдо давлати сифатида қайд этилган бўлиб, ташқи савдо ҳажми 1 трлн. АҚШ долларидан ошади. Экспортга йўналтирилган сиёсат олиб борувчи давлат сифатида эса Корея Республикаси Жаҳон банки тақдим этган сўнгги статистик маълумотларга кўра саккизинчи бўлган. Шунингдек, мамлакат мобил телефонлар, дисплейлар, яримўтказгичлар ва кемасозлик бўйича дунёнинг биринчи ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Мамлакатнинг замонавий босқичдаги эришган иқтисодий ютуқлари бевосита фан ва технологияларни ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) ва инновацияга узлуксиз ҳамда йирик миқдордаги инвестиция киритиш барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи асосий омил бўлган инновацион тизимни куриш имконини берди. Bloomberg Innovation Index га кўра Корея кетма-кет олти йил (2014-2019) давомида дунёда биринчи бўлди. Бундан ташқари, мамлакатнинг электроника гиганти бўлган - Samsung Electronics 2019 йилда ИТТКИ га қилган сарф-харажатлари бўйича дунёдаги иккинчи компания сифатида тан олинди.

Корея Республикаси ҳукумати мамлакат инновационлик даражасини ошириш учун ҳар йили катта миқдордаги маблағларни ҳам ажратиб келмоқда.



Манба: Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) маълумотлари URL: (<https://data.oecd.org/rd/gross-domestic-spending-on-r-d.htm#indicator-chart>)

Келтирилган деярли ўттиз йиллик маълумотлардан кўриниб турибдики, КР ўз инновацион харажатларини мунтазам равишда кўпайтириб келмоқда. Мамлакат бир неча йиллардан буён ЯИМ га нисбатан ИТТКИ харажатлари бўйича дунё етакчилигини Исроил билан бўлишиб келаётган бўлса, ИТТКИ давлат томонидан молиялаштириш ҳажми бўйича 95,5 млрд АҚШ доллари билан олтинчи ўринда эгалламоқда.

Умумий ҳолатга эътибор қаратидаган бўлсак, XXI аср бошидан бошлаб Корея Республикаси етакчи ривожланган давлатлар билан технологик тафовутни камайтирди ва кучли иқтисодий ўсишга эришди. Инновацион сиёсат

кенгроқ ва мураккаб муаммоларни ечишга йўналтирилди. Биринчидан, унинг бош мақсади ижтимоий ва экологик муаммоларни қамраб олган кенг қамровли ривожланишга йўналтирилди. Иккинчидан, экспортга асосланган саноатлаштиришнинг аввалги стратегиясини Хитой каби янги технологик гигантларнинг жадал ривожланиши туфайли рақобатнинг кучайиши ва аҳолининг тез қариши шароитида қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Учинчидан, технологик ривожланишнинг жадал суръати технологик жиҳатдан етакчи давлатлар билан рақобатлашадиган инновацион ваколатларни шакллантиришни талаб қилди. Технологияни тарқатишнинг олдинги модели энди самарали бўлмай қолди. Тўртинчидан, мавжуд университет таълими тизими ижодкорликни рағбатлантириш ва инновацияларга асосланган ўсиш учун ваколатларини диверсификация қилиш учун ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож эди.[2]

Ҳукумат ушбу муаммоларга ижобий жавоб берди. 2000-йиллардан бошлаб инновацион сиёсатда ижодий ва инновацион фан ва технология имкониятларини ривожлантириш бўйича силжишлар бўлди. Ҳукумат ва тегишли соҳа илмий-тадқиқот институтлари миллий инновацион тизимни ривожлантириш ва келажакда алоҳида салоҳиятга эга деб ҳисобланган етакчи технологияларини стратегик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун бирлашдилар. Фан ва технология соҳасининг ижодкор кадрлари рағбатлантирилди, фундаментал тадқиқотлар ўтказишда ўзаро ҳамкорлик қилиш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда венчур компанияларнинг инновацион имкониятларини ошириш ва ваколатларини кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

Фан ва технологиялар тўғрисидаги қонун (Framework Act on Science and Technology) (2001) тизимли ва кенг қамровли инновацион фаолият иштирокчилар муҳимлигини қайд этган ҳолда мазкур соҳани ривожлантиришнинг ва миллий инновацион тизимни яратишни асосий йўналишларини белгилаб берди. Мазкур қонуннинг иккинчи бўлим 7 моддасига кўра Корея Республикаси ҳукумати мазкур қонунда назарда тутилган мақсадларга самарали эришиш учун фан ва технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ ўрта ва узоқ муддатли сиёсат вазифалари ва йўналишларини белгилайди. Фан ва АКТ вазирлиги уларни ҳисобга олган ҳолда ҳар беш йилда фан ва технологиялар бош режаси (Basic Plan for Science and Technology) ни ишлаб чиқади.

Бугунги кунга қадар мамлакатда бундай режалардан тўрттаси ишлаб чиқилган:

- Биринчи режа 2003-2006 йиллар; - Иккинчи режа 2008-2013 йиллар; - Учинчи режа 2013-2017 йиллар; - Тўртинчи режа 2018-2022 йиллар.

“Инсонлар ҳаёти сифатини яхшилаш ҳамда фан ва технологиялар орқали кишилик жамиятининг ривожланишига ҳисса қўшиш” ғояси остида қабул қилинган охириги “Тўртинчи фан ва технологиялар Бош режаси – 2018-2022” асосида ҳукумат ўз олдида бир қатор вазифаларни қўйди: кадрлар салоҳиятини ривожлантирган ҳолда фан, техника ва инновациялар имкониятларини кенгайтириш; компаниялар мавқеини доимий равишда

кучайтирган ҳолда инновацион-технологик экотизимни яратиш; саноатнинг янги турларини ривожлантириш орқали тўртинчи саноат инқилобига тайёргарлик кўриш.

Бундан ташқари, Корея Республикаси 2006 йилда ҳар йили эълон қилинадиган фан ва техника соҳасининг барча ўлчовлари бўйича баҳолашни амалга оширишга мўлжалланган Кўшма фан ва технологияларнинг инновацион индекси (COSTI)ни ишлаб чиқди. COSTI 5 та қисм (Ресурслар, Фаолият, Тармоқ, Атроф-муҳит ва Самарадорлик) дан иборат баҳолаш моделига асосланган бўлиб, у баҳолаш моделини ишлаб чиқиш ҳамда илмий ва технологик инновацион салоҳият нуқтаи назаридан миллий ҳолатни аниқ ташҳис ва мониторинг қилиш орқали OECD нинг 35 мамлакати ўртасидаги фан ва технологияларнинг инновацион имкониятларини таққослашни мақсад қилади.

Баҳолаш натижалари Кореянинг фан ва технологик инновацион салоҳиятининг кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради ҳамда фан ва технологияларни ривожлантириш учун зарур бўлган сиёсатнинг тўғри йўналишини аниқлашга имкон беради.[3]

Индекснинг 2019 йилги натижаларга кўра OECD га аъзо бўлган 35 та давлат орасида мумкин бўлган 31 баллдан 17,325 балл олган АҚШ биринчи ўринда, кейин Швейцария (15.116), Голландия (12.547) ва Япония (12.448). Корея Республикасининг COSTI балли эса 11.424 ни ташкил этди ҳамда сўров ўтказилган мамлакатлар орасида 7-ўринни эгаллади.[4]

**Инновацион сиёсатнинг устувор йўналишлари.** Бугунги кунга келиб мамлакат ҳукумати аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва келгусида ўсиш учун шарт-шароит яратиш мақсадига эришишда илғор технологияларни асос сифатида кўрмоқда (2-илова). Замонавий Корея Республикасида инсонларга йўналтирилган (human-centered) илғор технологияларига нисбатан жуда юқори эътибор мавжуд бўлиб, улар технологик ютуқларнинг маркази сифатида кўрилади ҳамда “инсон ва машиналарнинг биргаликда ҳаёт кечириши ва ҳамкорлигига келажакдаги асосий қадрият сифатида” урғу берилади[5].

2009 йилдан бери Корея Республикаси учта беш йиллик ақлли роботларнинг бош режалари ва тегишли стратегияларини тақдим этди. Сўнгги режалар саноат робототехникасини жадал равишда кенгайтиришга ва табиий офатларга қарши кураш каби кўплаб соҳаларда роботлардан фойдаланишга қаратилган. Шунингдек, Корея Республикасида ақлли ишлаб чиқариш, молия технологияси (fintech) ва ақлли ҳукумат соҳаларига оид стратегиялар мавжуд. Анъанавий ишлаб чиқариш тизимини ақлли тизимга айлантириш миллий устувор вазифа ҳисобланади. 2014 йил июн ойида Корея Республикасининг автомобилсозлик, кимё, электроника, кемасозлик ва пўлат ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари атрофидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун ишлаб чиқариш саноатининг инновацион 3.0 стратегияси жорий этилди[6]. Стратегия ишлаб чиқариш жараёнида автоматлаштириш, маълумотлар алмашиш ва ривожланган технологиялар, масалан нарсалар


Интернети, катта маълумотлар ва 3D босиб чиқариш технологияларини ўз ичига олган ақлли фабрикаларни қўллаб-қувватлайди.

Ривожланиш ва инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг бугунги умумий сиёсати “I-Korea 4.0” деб ном олган дастурда баён этилган бўлиб, Тўртинчи саноат инқилоби бўйича Президент қўмитаси (PCFIR)<sup>2</sup> томонидан ишлаб чиқилган умумий сиёсатни амалга ошириш учун бир нечта махсус тармоқ ва технологик режалар тақдим этилган. Улар робототехника, Нарсалар интернет (Internet of Things) ва сунъий интеллект (Artificial Intelligence) каби соҳаларни қамраб олади. Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси 2016 йилда тасдиқланган[7].

**Фан ва технологияларни давлат томонидан молиялаштириш.** Корея Республикаси илғор технологияларни тадқиқ этиш ва ривожлантиришга катта сармоя киритмоқда ва субсидиялар орқали хусусий сектор инвестицияларини рағбатлантирмоқда. Сўнгги йилларда молиялаштиришда асосий эътибор инвестиция ва солиқ имтиёзлари орқали робототехника, сунъий интеллект, 5G тармоқлар ва ақлли автомобиллар каби технологияларга қаратилмоқда. Масалан, 2016 йилда ҳукумат AI саноатини ривожлантириш учун 2020 йилгача илмий-тадқиқот ишларига 1 трлн вон (840 миллион доллар) сарфлашини эълон қилди[8]. 2018 йилги бюджетда илғор технологияларни тадқиқ қилиш ва ривожлантириш учун 1,4 миллиард доллар ажратилди[9].

Корея Республикасида барча ривожланган давлатлардаги каби ИТТКИ га давлат инвестициялари хусусий сестор сармоялари билан солиштирганда нисбатан кам миқдорни ташкил этади. Бугунги кунда хусусий сектор ИТТКИ умумий бюджетининг 76,2 фоизини шакллантирса, умумий харажатларнинг 79,4 фоизи бизнес ҳиссасига тўғри келади.

**Корея Республикаси ИТТКИ харажатларида соҳалар улуши<sup>3</sup>**



<sup>2</sup> PCFIR янги фан ва технологияларни, шу жумладан сунъий интеллект (AI) ва маълумот сақловчи технологияларни ҳамда Корея жамиятининг тўртинчи саноат инқилобига мослашиши учун зарур бўлган янги саноат ва хизматларни ривожлантириш ва ўзлаштириш билан боғлиқ муҳим сиёсий масалаларни муҳокама қилади ва мувофиқлаштиради. Қўмита КР Президентнинг 2017 йил 22-августда “PCFIR ни ташкил этиш ва бошқариш тўғрисида”ги фармонидаги фармонига кўра ташкил этилган.

<sup>3</sup> National Science & Technology Information Service URL: <https://www.ntis.go.kr/en/GpInstitutional.do>

\*Давлат тадқиқот институтлари: ҳукумат ва бошқа нотижорат ташкилотлар

\*Олий таълим: давлат ва хусусий университетлар

\*Бизнес: тадқиқот институти ёки бўлимига эга бизнес корхонаси

Сўнгги икки ярим йил ичида ҳукумат ўзининг энг маъмурий устувор йўналишларидан бири "стартапларни қўллаб-қувватлайдиган ва инновацияларни рағбатлантирадиган мамлакат" ни барпо этди. Саноатнинг янги ўсувчи соҳаларини ҳамда венчур иқтисодиётни янада ривожлантиришга туртки беришга йўналтирилган стратегияни амалга ошириш билан бир қаторда инновацион салоҳиятни кучайтириш учун сармоялар киритилди. 2019 йилда янги венчур корхоналарига сармоя киритиш 3,4 триллион вонга етган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилда 4 триллион вонга етиши кутилмоқда. Корея Республикаси ҳукуматининг 2020 йилда ўз олдига қўйган тўртта мақсадларидан инновацияларни янада кўпайтириш бўлиб, бюджет харажатлари биринчи навбатда миллий иқтисодиётнинг инновацион қудратини оширишга йўналтирилади. Режага кўра, тўртинчи саноат инқилобининг муҳим соҳалари бўлган маълумотлар, тармоқ ва сунъий интеллект соҳалари учун 1,7 трлн вон; янги ўсиш саноати, хусусан, яримўтказгичлар тизими, био-саломатлик ва келажак автомобиллари учун эса 3 трлн вон ажратилади.[10] Фан ва АКТ вазирлигига кўра эса 2021 йилда ИТТКИ бюджети 21,6 трлн вон (18 млрд доллар) ни ташкил этиши режалаштирилмоқда. Бу эса инновацион харажатларнинг 2020 йилга нисбатан 9,7% ошишини билдиради.[11]

Корея Республикасида хусусий молия институтларини мол-мулк билан таъминланган кредитлаш амалиётини технология билан кафолатланган кредитлар билан алмаштиришни рағбатлантиришга эътибор қаратилади. Илмий изланишлар олиб борадиган барча корхоналар ИТТКИ ва кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ солиқ мажбуриятлари бўйича солиқ имтиёзларини оладилар.

**Инновацион сиёсатнинг кучли томонлари.** 1. Инновацион сиёсатни кучли қўллаб-қувватлаш. ҚР ҳукуматининг инновацион ривожланишдаги асосий сиёсий устуворликлари қуйидагилар ҳисобланади:

- инновацион экотизимни яратиш;

- фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

- технологик имкониятлар доирасида глобал рақобатбардошликни таъминлаш, хусусан маълумотлар, тармоқлар ва сунъий интеллект соҳаларида.

Президент Мун Чже-ин ҳукумати томонидан рақамли иқтисодиётнинг инфратузилмасини барпо этиш, 5Г тармоқларини тижоратлаштириш ва сунъий интеллектдан саноат миқёсида фойдаланишга йўналтирилган ҳаракатлар сиёсий-молиявий жиҳатдан кучли қўллаб-қувватланмоқда.

2. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар ва ИТТКИ харажатларнинг юқорилиги.

Жанубий Корея хорижда ўқиётган талабалари сони бўйича дунё етакчиларидан бири ҳисобланади Бу эса қисқа вақт ичида (бир авлод) Жанубий Корея иқтисодий муваффақиятининг асосий омилларидан бирига айланган юқори малакали кадрларни тайёрлашга имкон беради. 2018 йилдан бошлаб

мамлакат таълим тизимининг барча даражаларида дастурлаш бўйича мажбурий таълим жорий этилди. Мамлакатда илмий ва технологик ўқув юртлари сони кўпаймоқда.

2019 йилда Жанубий Корея ҳукумати тадқиқот ва ишланмалар учун 20,5 трлн вон ажратди, бу ЯИМнинг 4,4% ни ташкил қилади, бу дунёдаги энг юқори иккинчи кўрсаткичдир.

3. Давлат, фан ва бизнеснинг юқори даражада ривожланган ўзаро ҳамкорлиги.

**Инновацион сиёсатнинг кучсиз томонлари.** 1. Давлат аралашуви ва қатъий тартибга солиш муҳити.

Сўнгги йилларда ҳукуматнинг тадқиқот ва инновацияларни ривожлантиришда тобора фаол иштирок этаётганлиги хусусий сектор инновацион ижодкорлигига тўсқинлик қилиши мумкин. Ижобий бошқарув тизими турли сунъий тўсиқлар билан бирлашса вазият янада ёмонлашади. Корхоналар тартибга солиш чекловларини глобал рақобатбардошлик учун энг катта тўсиқ сифатида кўришади. Масалан, Кореянинг электрон ҳукумат тизимлари экспорти, 2013 йилда ҳукумат дастурий таъминот саноатини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилганидан бери икки барабар камайди. Ушбу Қонун йирик компанияларни давлат харидларида иштирок этишни тақиқлайди, бу билан технологик ноу-хауларга эга бўлмаган кичик ва ўрта корхоналарга кўпроқ имкониятл бериш кўзда тутилган.

2. Кадрлар этишмовчилиги ҳамда саноат ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг сустлиги. Илмий ва технологик муассасаларда малакали кадрларнинг этишмовчилиги кузатилмоқда. Бунинг сабаби аксарият ёшларнинг ўқишни битирганидан сўнг иш топишига ишончсизлик туфайли муҳандислик соҳаларида ўқишни истамаслигидир. Ушбу ҳолат 1997-йилги Осиё молиявий инқирозидан кейин кучайиб кетди. Корея статистика идорасининг маълумотларига кўра, 2030 йилга келиб маълумотлар, сунъий интеллект ва булутли ҳисоблаш каби соҳаларда 32 минг нафар мутахассис этишмайди. Шу боис ҳукумат 2020 йилдан бошлаб ушбу соҳаларда 40 минг мутахассисларни тайёрлаш режасини эълон қилди. Саноат ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги алоқанинг кучсизлиги муаммоси турли тартибга солувчи тўсиқлар туфайли етарли алмашинув (масалан, амалиёт)нинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Шунинг учун кўшма илмий ҳамкорликни тижоратлаштириш қийин кечмоқда.

3. Интеллектуал мулк ҳуқуқларидан фойдаланиш ва тижоратлаштириш нуқтаи назаридан кучсиз сиёсат. 2018 йилда Жанубий Корея патент талабномалари сони бўйича АҚШ, Хитой ва Германиядан кейин 4-ўринни эгаллаганига қарамай, тижоратлаштириш жиҳатидан мамлакат рақобатчиларидан орқада қолмоқда. 2013-2017 йилларда. патентга талабномалар сони 36166 тани ташкил этди, аммо улардан атиги 12 мингтаси тижоратлаштириш учун бизнесга ўтказилган. Бунда талабномаларнинг 73% Миллий патент идорасида қабул қилинган бўлиб, фақатгина 27 фоизи халқаро даражада берилди. Миллий патент талабномаларининг кўплиги сабабларидан

бири юқорида айтиб ўтилганидек, тадқиқот ва инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳисобланади. Шу сабабли ҳам кўплаб тадқиқотчилар хорижий патент тизимлари билан таниш эмаслар.

ҚР миллий креатив маҳсулотларни яратишда ва кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда ҳанузгача ортда қолаётганлиги сабабли, ҳукумат ўз эътиборини илм-фан ва ахборот технологиялари билан янги истиқболли ғояларни бирлаштирадиган модел сифатида "креатив иқтисодиёт" яратишга қаратмоқда.

Бўлажак хатарларни ҳисобга олган ҳолда ҳукумат очиқ инновациялар учун хусусий-давлат стартап фондларини шакллантириш орқали хусусий корпорациялар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунда асосий эътибор қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилади:

- Катта маълумотларни қайта ишлаш (юқори самарадорликни ҳисоблаш). Маълумотни таҳлил қилиш ва қўллаш бўйича давлат марказлари ташкил этилади;

- Маълумотларни булутли сақлаш. Ташкилотларга ўз серверларини "булутли хотира"га ўтказишга имкон берадиган тегишли қарорлар қабул қилинади;

- Нарсалар интернетини (IoT). Саноат ва ахборот технологияларнинг бирлашуви.[12]

Жанубий Кореянинг илмий-тадқиқот институтлари ва илмий бўлимларида самарадорликни баҳолаш бўлимлари, шунингдек технологияларни бирлаштириш бўйича ташқи аудит ва бошқарув қўмиталари яратилган бўлиб, бу у ёки бу бўлим томонидан тақдим этилган кўрсаткичларга қараб тузатиладиган янада самарали бюджет сиёсатини амалга оширишга имкон беради.

Технологияларни кичик ва ўрта бизнесга ўтказишда ёрдам бериш учун илмий-тадқиқот институтларида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлайдиган бўлимлар мавжуд. Шуниси эътиборга лойиқки, кичик ва ўрта корхоналар давлат учун зарур бўлган илмий-тадқиқот ишлари харажатларини тўлиқ қоплаш ёки сезиларли даражада қоплаш имкониятига эга. Ушбу амалиёт корейс тадқиқотлари ва технологиялар трансферини тижоратлаштириш тизимининг муваффақиятини белгилайди.

Шундай қилиб, ҚР инновацион сиёсатининг устувор йўналишлари йирик бизнес, ўрта ва кичик компаниялар ҳамда академик доираларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Корея Республикасининг бугунги кунда инновационлик даражаси энг юқори мамлакатлар қаторида бўлишида ҳукумат томонидан танланган сиёсат ҳамда илмий-тадқиқотларга нисбатан ёндошувнинг тўғри бўлганлиги деб айтиш мумкин. Бугун ҚР миллий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини доимий равишда оширмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- [1] Mazzarol, T. Building a national innovation system: What can we learn from Korea? [Электронный ресурс] // 10.09.12. URL: <https://theconversation.com/building-a-national-innovation-system-what-canwe-learn-from-korea-9449>
- [2] United Nations, Economic and Social Commission for Asia and the Pacific (ESCAP) (2018). Evolution of Science, Technology and Innovation Policies for Sustainable Development: the Experiences of China, Japan, the Republic of Korea and Singapore.
- [3] Korea Institute of S&T Evaluation and Planning. URL: <https://www.k2base.re.kr/costii/en/home.do>
- [4] COSTII 2019: The Evaluation of Science and Technology Innovation Capacity
- [5] Seo Ji-Eun and others, [Korea and the fourth industrial revolution] Putting humans first in the fourth industrial revolution, Korea JoongAng Daily, September 27, 2017. URL: <https://koreajoongangdaily.joins.com/2017/09/27/etc/Korea-and-the-fourth-industrial-revolution-Putting-humans-first-in-the-fourth-industrial-revolution/3038967.html>
- [6] Jung Suk-ye, Innovation in Manufacturing 3.0 Strategy needs better focus with clearer direction, BusinessKorea, November 19, 2015. URL: [www.businesskorea.co.kr/news/articleView.html?idxno=13060](http://www.businesskorea.co.kr/news/articleView.html?idxno=13060)
- [7] Government Trends 2020. What are the most transformational Trends in Government Today? Deloitte Insights, 2019
- [8] Lee Chi-dong, Gov't to invest 1 trillion won in artificial intelligence, Yonhap News Agency, March 17, 2016. URL: <https://en.yna.co.kr/view/AEN20160317003700320>
- [9] Moon Jae-in, Address by President Moon Jae-in at the National Assembly proposing the Government's Budget Plan for FY 2018 and plans for fiscal operations, KOREA.net, November 1, 2017. URL: <http://www.korea.net/Government/Briefing-Room/Presidential-Speeches/view?articleId=150872>
- [10] Moon Jae-in, Address by President Moon Jae-in at National Assembly to Propose Government Budget for 2020, KOREA.net, October 22, 2019. URL: <http://www.korea.net/Government/Briefing-Room/Presidential-Speeches/view?articleId=178346>
- [11] Shim Woo-hyun, ICT Ministry's 2021 R&D budget set at W21.6tr, up 9.7%, The Korea Herald, June 26, 2020. [http://www.koreaherald.com/view.php?ud=20200626000737&ACE\\_SEARCH=1](http://www.koreaherald.com/view.php?ud=20200626000737&ACE_SEARCH=1)
- [12] Аналитический отчет маркетингового исследования иностранного рынка меда в Южной Корее, Союз “Томская торгово-промышленная палата” центр поддержки экспорта. Томск, 2018